Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 март сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 50 (2878)

# ПРЕЗИДЕНТ АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 март куни расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди.***



АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. Ўтган вақт мобайнида икки мамлакат ўртасида кўплаб ташрифлар амалга оширилди, талай ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ҳозир давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимиз сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мазкур ташриф Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янги босқичга кўтаражагини таъкидлади.

— Ташриф асносида олтита ҳужжат имзоланиши кутилмоқда, — деди Ислом Каримов. — Булар орасида энг асосийси, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланадиган янги ҳужжатдир. У барча соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга кенг йўл очади. Айниқса, Ўзбекистон чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз хавфсизлигини кафолатлаш нуқтаи назаридан бу ҳужжат жуда муҳимдир.

Умуман, АҚШга бу галги сафаримиз Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш каби эзгу мақсадларга тезроқ эришишимизга катта ёрдам беради.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан амалга оширилаётган ушбу тўрт кунлик ташриф чоғида мамлакатимиз Президенти Оқ уй раҳбари билан музокаралар ўтказади, парламент аъзолари, ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади.

* * *

**ЛОНДОН. 11 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Шу куни Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Буюк Британия пойтахти — Лондоннинг «Стэнстед» аэропортига тўхтаб ўтди. Давлатимиз раҳбарини мазкур мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси вакиллари кутиб олди.

Қисқа муддатли музокараларда Ўзбекистон — Буюк Британия муносабатларини янада ривожлантириш, турли жабҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик истиқболи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Буюк Британия расмийлари билан учрашувдан сўнг Ўзбекистон делегацияси яна АҚШга йўл олди.

**Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.**

# Мисрда Ўзбекистон куни нишонланди

***Қоҳирадаги нуфузли билим масканларидан бири — Ҳусни Муборак номидаги халқ кутубхонаси «Ўзбекистон куни» ўтказилиши муносабати билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Мамлакатимизга бағишланган ушбу тадбирда Миср Ташқи ишлар вазирлиги, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ўзбекистонлик санъаткорлар ҳамда талабалар иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси вакиллари тадбир қатнашчиларига мамлакатимизда ўн йиллик мустақил тараққиёт даврида иқтисодий, ижтимоий, илмий-маданий ва бошқа кўпгина соҳаларда қўлга киритилган улкан муваффақиятлар, жорий йилнинг 27 январида бўлиб ўтган референдум натижалари, бугунги кунда олиб борилаётган яратувчилик ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси собиқ маслаҳатчиси, айни пайтда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими бўлиб ишлаётган Ҳомид Шукри Ўзбекистон — Миср муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини таъкидлар экан, ўзаро алоқалар бугунги кунда ҳам кўпгина жабҳаларда, хусусан, илм-фан, маданият ва таълим соҳаларида шитоб билан ривожланиб бораётганини қайд этди.

Тадбирда мамлакатимизга келиб, бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли яратувчилик ишларига шахсан гувоҳ бўлган мисрлик олимлар — профессор ал-Сафсафий Аҳмад ва профессор Сабри Абдуллатиф ўз чиқишларида Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларини атрофлича ўртоқлашдилар. «Узоқ йиллар давомида мустабидлик тузуми остида яшаб келган бўлса-да, ўзлигини, миллий қадр-қиммати, ажойиб урф-одат ва анъаналарини, динига садоқат ва эътиқодини шу даражада сақлаб қолган ўзбек халқига таъзим қилсанг арзийди», деди, жумладан, ал-Сафсафий Аҳмад. Қоҳира университети профессори Сабри Абдуллатиф буюк саркардалар — Амир Темур ва Жалолиддин Мангубердининг ибратли ҳаёт йўли ҳақида тўхталиб, улар бутун Ислом оламида чуқур из қолдиргани билан ҳам эътиборли эканини таъкидлади. У мисрлик олимларни Мовароуннаҳр тарихини чуқурроқ ўрганиш ҳамда ўзбек олимлари билан илмий ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват этди.

Шунингдек, «Ўзбекистон куни» тадбири доирасида мамлакатимиз ҳаётига оид китоблар, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкентдаги тарихий осори-атиқаларни акс эттирувчи фотосуратлар, миллий либос ва халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси намойиш этилди, тадбир иштирокчилари бетакрор миллий куй-қўшиқларимиздан баҳраманд бўлишди.

**Б. ИРИСОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
**Қоҳира.**

# ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ — АФҒОНИСТОНДА

Шу йилнинг 2-4 март кунлари Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлди. Ташриф асносида қўшни афғон халқига беғараз ёрдам сифатида «ЎзДЭУавто» ва «СамКочавто» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳадя қилинганди.

10 март куни Термизда мазкур қўшма корхоналар томонидан Афғонистон учун ажратилган умумий қиймати 350 минг АҚШ долларига тенг 10 та «Нексия», «Дамас» русумли енгил автомобиль ва «Отайўл» русумли 8 та автобус, автофургон ҳамда юк машинасини қўшни мамлакат вакилларига топшириш маросими бўлди.

Унда сўзга чиққан Афғонистон транспорт вазирининг ўринбосари Саид Саъди Мутафаккир афғон халқини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган дўст ва қўшни Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий миннатдорлик билдирди. Бундай инсонпарварлик ёрдами икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Юнусов иштирок этди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МАМЛАКАТИМИЗДА:



***● Жиззахда 17 хил қурилиш материали ишлаб чиқараётган «Зоиржон бобо» фирмаси раҳбари Қобилжон Сатторов «Ташаббус-2002» танлови вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор» сифатида эътироф этилиб, республика босқичига йўлланма олди. Шунингдек «Ал хисёр» фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Раҳмонқулов «Энг яхши фермер», ёғоч ўймакорлиги устаси Ҳилола Акромова «Энг яхши ҳунарманд» сифатида танлов ғолиблари бўлишди.***

***● «Олтин мато» кўп тармоқли корхонасининг шуҳрат қозонишига саккиз ой етарли бўлди. Корхона чеварлари тикаётган ишчи коржомалари, аёллар ва болалар кийимлари нафақат андижонликлар, балки қўшни вилоятлар аҳолисига ҳам манзур бўлмоқда.Айни пайтда корхона чеварлари Наврўз байрамига туҳфа сифатида энг замонавий либослар туркумини яратдилар.***

***● Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида компьютер ўқув маркази иш бошлади. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ушбу марказ талабаларга ўз билимларини мустаҳкамлаш билан бирга минтақадаги сув ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тадқиқотларни ҳам ўтказиш имконини беради.***

***● Бухоролик тадбиркорлар ўз маҳсулотларига харидор топишда янгича усул қўллашди: шаҳардаги Ибн Сино номидаги маданият саройида бизнес-шоу ўтказишди. Тадбирда иштирок этган қирқдан зиёд корхоналар маҳсулотларига нафақат харидор, балки ишончли ҳамкорлар ҳам топилди. Ва улар ўртасида бир неча миллион сўмлик шартномалар имзоланди.***

***● Қоракўлчилар овули — Конимех туманининг «Маданият» ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Тўғри, бор-йўғи саккиз нафар шифокор фаолият кўрсатадиган шифо масканининг иш бошлаши улкан воқеа эмас. Бироқ бетоб бўлиб қолган чўпонларнинг қарийб икки юз чақирим йўл босиб марказга бориши ҳисобга олинадиган бўлса, шифо масканининг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини англаш мумкин.***

## ОНА-ЗАМИН НАФАСИ



***● Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай яқин кунларда мамлакатга собиқ қирол Зоҳир Шоҳнинг келишини маълум қилган. Унинг айтишича, катта обрў-эътиборга эга бўлган собиқ қиролнинг Афғонистонга қайтиши мамлакат учун катта аҳамиятга эга.***

***● АҚШ Президенти Жорж Буш 11 сентябрь воқеаларига ярим йил тўлиши муносабати билан Оқ уйда ўтказилган маросимга ўндан зиёд элчи, конгресс аъзолари, террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва маъмурият вакилларини таклиф этди.***

***● Афғонистон раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасини тиклаш учун ёрдам сўраб мурожаат қилган. Теҳронда ўтаётган Озиқ- овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти конференциясида Афғонистон раҳбарияти вакили Абдул Раззоқ Айёзий «Ҳукумат очарчиликда яшаётган халқни ташқаридан келадиган беғараз озиқ-овқат билан таъминлай олмайди», деб айтган.***

***● Ҳиндистоннинг Гужарат штати маркази Аҳмадободдан 100 километр узоқда жойлашган Панвад қишлоғида полиция томонидан 2 ҳинду ўлдирилган, 6 нафари ярадор қилинган. Полиция вакилининг айтишича, ҳиндулар мусулмонлар яшовчи уйларга ўт қўяётган пайтда полициячилар томонидан ўққа тутилган.***

***● Ироқ вице-президенти мамлакатга БМТнинг қуролсизлантириш бўйича инспекторларининг келишига рухсат берилмаслигини маълум қилган.***

***● АҚШ вице-президенти Дик Чейни Яқин Шарққа сафарини бошлади. 10 кунлик сафарда Чейни минтақадаги 11 давлат раҳбарлари билан учрашади. Исроил ва Фаластин можаролари музокараларнинг асосий мавзуи бўлиши кутилмоқда.***

*«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс», «Интернет».*



## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

***Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтида ёшлар маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.***

# Ёшлар ва маънавият

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий тарғибот маркази тадбирлари доирасида ташкил этилган мазкур йиғилишда мутахассислар, мактабгача тарбия ва умумтаълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш ва уларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга бағишланган маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар ёш авлод онги ва қалбига юксак маънавий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини сингдириш, уларни миллий истиқлол ғоялари, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашни янада кучайтириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этди.

**Элбек ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ДОНИШМАНД ШАРҚ НАБИРАЛАРИ

***Ҳеч эътибор берганмисиз, «Шарқ» сўзи олдидан кўпинча «донишманд» сўзи қўлланиб, «донишманд Шарқ», деб юритилади. Ҳатто ғарблик алломалар ҳам Шарқ ҳақида ёзаётганларида эҳтиром юзасидан ана шу таърифни қўллайдилар. Бу антик юнон маданиятидан сўнг уйқуга чўмган дунёни уйғотиб берган, Ғарб тараққиётига катта таъсир кўрсатган Шарқ уйғониши оламаро эътироф этилганлигининг, шунингдек, Уйғонишдан кейинги асрларда ҳам фозил боболаримиз умумбашарий маданиятга улкан ҳисса қўшганликлари тан олинганлигининг белгисидир, албатта...***

*Долзарб мавзу*

Хўш, нега мен «боболаримиз» деяпман? Ахир дунё аҳли тан олиб, олқишлаб турган Нодирабегим, Зебуннисо, Анбар отин каби заковат соҳибалари — улуғ момоларимиз кўҳна Шарқнинг «донишманд» унвонига сазовор бўлиши йўлида озмунча риёзат чекканлармми?! Ҳа, энди, ўрганиш экан, ўтган жамики аждодларимиз ҳақида гапирганда «ота-боболаримиз» деб қўя қолганимиз каби «аллома боболаримиз» деганда фозила момоларимизни ҳам назарда тутамиз-да.

Шарқ маданияти ҳақида сўз кетганда, менга уч нарса ифтихор бағишлайди: аввало, мазкур маданият намояндаларининг асосий қисмини Ўзбек замини етиштириб берганлиги, иккинчидан, улар сафида, юқорида таъкидлаганимиздек, кўплаб аёллар борлиги ва, ниҳоят, бугунги кунда уларга муносиб ворислар етишиб чиқаётганлиги...

1999 йил 10 июнь. Худди шу куни «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маънавий-маданий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган бу Фармон орадан ўтган қисқа муддат — салкам уч йил ичида ўзининг ғоят зарур ҳужжат эканлигини исботлади. Мен бу ерда оламаро суюкли шоирамиз тасвири туширилган мукофот нишонини кўксига таққан бахтиёр қизларимиз қирқ икки нафарга етганлигини назарда тутаётганим йўқ. Бу ҳужжат мактабдан тортиб олий ўқув юртигача бўлган босқичда бутун мамлакатимиз қизлари ўртасида кучли бир ижодий тўлқинни вужудга келтирди. Тўғри, мукофот ҳар йили ўн тўрт нафаргина қизга берилади. Лекин, муҳими шундаки, неча ўн минглаб қизлар ана шу «ўн тўрт»нинг бири бўлишини истайди, шу боис катта илмий-ижодий ўсишларга эришган бир неча юз қиз сўнгги баҳсга киришади... Мана шу жараёнларда эришилган интеллектуал самарани энг замонавий компьютер ҳам ҳисоблаб беролмайди!

Лекин мукофот соҳибаларига айланган қизларимизнинг кейинги «ўсиш»ларини тахминийроқ «ҳисоб-китоб» қилса бўлади. Мен ушбу мақолани ёзишга киришиш арафасида ўтган йилги мукофот совриндорларидан бири — тошкентлик Наргиза Тўхлиева билан айнан шу мавзуда суҳбатлашдим.

— Бу юксак мукофот мени кўпчиликка танитиб, имкониятлар эшигини очиб бериш билан бирга, — дейди Наргиза, — зиммамга катта масъулият юклаб, янада қаттиқроқ ишлашга ундади. Мукофот олган пайтимда нафис санъат лицейи ўқувчиси эдим, ҳозир Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети толибасиман. Аъло ўқишдан ташқари қизғин ижод билан машғулман. Ўтган бир йил давомида анчагина сценарийлар ёздим. Хусусан, Чилонзор туманида ўтказилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови сценарийсини ёзиб бердим ва кўрик-танловни бошқариб бордим. Кўпчиликка маъқул келди, шекилли, кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи сценарийсини ёзишни ва бошқариб боришни ҳам менга ишониб топширишди. Бу босқич баҳслари телевидениеда намойиш этилди...

Ҳозир университетда миллий қадриятлар бўйича ўтказиладиган конкурсга тайёрланяпмиз. Мен «Мустаҳзод» рақсини саҳналаштиряпман, ўзимни бу соҳада ҳам синаб кўрмоқчиман...

Зулфия номидаги мукофот совриндорлари... Улар билан ҳар биримиз фахрланамиз. Ахир фахрланмай бўладими...

Уч-тўрт йил олдин бир ҳамкасб дўстим шундай деганди: «Ота-боболаримиз жа-а зўр бўлишган экан-да, қаранг, илмий асарларни араб тилида ёзишган экан-а!» Бугун мен ўша ҳамкасбимга кўкрагимни тоғ қилиб айтаманки, «Эй, дўстим, Яратганга шукур айланг: зўр боболаримизга муносиб зўр ворислар етишиб чиқмоқда. Зулфия мукофоти совриндори Жамила Сотқинова олти тилни — ўзбек, рус, инглиз, ҳинд, урду, форс тилларини мукаммал билади. Билиш ҳам гапми? Деҳлидаги Жамиа Миллиа Исломиа университетида «Урду тилида фразеологизмлар» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлаб, урду халқига урду тилидан сабоқ бериб келди! Яна камтарлигини айтмайсизми, жаҳон танийдиган не-не тилшунос олимларни қойил қолдирган бу олима қиз катта жойларга «учмай», Избоскан туманидаги 6-гимназияда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаяпти!..

Жиззахлик Сайёра Муродованинг номи ҳам бугунги кунда кўпчиликка таниш. Йигирма беш ёшида олима бўлган бу қизнинг АҚШ ва Россияда эълон қилинган илмий ишлари кўплаб чет эллик олимларда қизиқиш уйғотди...

Йигирма тўрт ёшида магнолифитлар тўғрисида илмий қўлланма ярата билган андижонлик Ҳилола Қўчқорованинг тадқиқотлари самарасидан халқ хўжалиги ва доришуносликда фойдалана бошланилди. Бу порлоқ истиқболни орзу қилгувчи, миллати ютуғи билан фахрланувчи ҳар бир инсонга ғурур бағишламайдими?!..

— Улуғ шоирамиз номидаги мукофот ўзимга бўлган ишончимни оширди, ижодга иштиёқимни кучайтирди, — дейди сирдарёлик ўн икки ёшли Нодира Қурбонова. — Қўшиқлар куйлаш билан бирга, кейинги пайтларда шеърлар ҳам ёза бошладим. Бундан ташқари, маҳаллий телевидениеда болалар кўрсатувини ҳам олиб боряпман. Бу улуғ мукофотни таъсис этганлардан бир умр миннатдорман...

Яқинда яна ўн тўрт нафар заковатли қизимиз ана шу эътиборли мукофотга сазовор бўлди. Умид қиламизки, улар ҳам юқорида зикр этилган салафлари янглиғ илму урфонда, адабиёту санъатда салмоқлироқ ютуқларни қўлга кирита бошлайдилар.

Ҳа, дунёга донг таратган улуғ боболар билан қуруқдан-қуруқ фахрланиб юравериш ҳеч қандай самара бермаслиги аён эди. Оққан ариқдан яна сув оқиши учун ҳаракат қилиш, бизга жаҳон айвонининг тўридан жой олиб берадиган янги ал-Берунийлар, Навоийлар, Нодирабегимлар етишиб чиқишларига имкон яратиш зарур эди. Юртбошимизнинг изчил саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда бу долзарб вазифа муваффақиятли ҳал этилаётганлиги Туронзаминдан яна кўпдан-кўп оламшумул машҳур алломалар чиқишига умид уйғотади. Донишманд Шарқнинг набиралари, доно Зулфияхонимнинг қизлари уларнинг сафидан ўрин эгаллашса, ажабмас.

**Мухторали НОСИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДИҚҚАТ: БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

# АЛЛО, СИЗНИ ҚЎМИТА РАИСИ ЭШИТАДИ!

*Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!*
*Бугун соат 10.00 дан 12.00 гача сизлар учун*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир ХЎЖАЕВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

Агар солиқ билан боғлиқ саволларингизга шахсан қўмита раисидан жавоб олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг: (8-371) 144-89-29, 144-44-51.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!



## Ўзбекистон — АҚШ:

# Ўзаро манфаатли ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги диққатга сазовор ютуқларидан бири — бу АҚШ билан сифат жиҳатидан янги, кўп томонлама ва узоқ муддатли муносабатларни йўлга қўйганлигидир. Айниқса, молиявий ва иқтисодий алоқалар бу муносабатларнинг устувор йўналишидир. Ўзбекистоннинг ҳукумат идоралари АҚШнинг Молия, Савдо ва Қишлоқ хўжалик вазирликлари, Савдо ва тараққиёт агентлиги, Хусусий сармояларни қўллаб-қувватлаш корпорацияси, Эксимбанк ва бошқа идоралари билан яқин алоқалар ўрнатган. Бу алоқалар ва ҳамкорликдаги изчиллик мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ривожланган бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотлар дастурини тезроқ амалга оширишга ёрдам беради.

Хабарингиз бор, ўтган йил ноябрь ойининг охирида Вашингтон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув тўғрисида Меморандум имзоланган эди. Бундай меморандумлар алоҳида идоралар ўртасида ҳамда тармоқлар бўйича ҳам имзоланди. Жумладан, Савдо ва тараққиёт агентлиги билан Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор соҳаларидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, Эксимбанк билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кредит ажратиш борасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ҳар иккала томон имзоланган ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга катта аҳамият бермоқда. АҚШ Ўзбекистон билан муносабатларга устуворлик мақомини бериб, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва гуллаб-яшнашини жадаллаштиришга кўмаклашиш ниятида. Буни имзоланган ҳужжатларгина эмас, балки АҚШ Президентининг қатъий сўзи ҳам исботлаб турибди. «Ўзбекистон демократия ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва институтларини эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар асосида суверенитети мустаҳкамланиб, қудрати ва фаровонлиги ошиб бораётган давлат сифатида ривожланган сари, биз халқингиз учун улкан сиёсий ва иқтисодий эркинликларни таъминлаш мақсадида Сизни ҳар қадамда қўллаб-қувватлайверамиз», — деди Жорж Буш ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга йўллаган мактубида.

Гап ўзаро ҳамкорлик ва кўмаклашиш ҳақида борар экан, муносабатларнинг айрим жиҳатларини ойдинлаштириб ўтишга тўғри келади. Жумладан, АҚШ халқаро молия институтлари ва бошқа донорларда мавжуд бўлган тегишли механизм ҳамда воситалар доирасида Ўзбекистонга, биринчи навбатда, ижтимоий ва молиявий барқарорликни ҳамда келгуси йилларда иқтисодий ислоҳотларнинг энг қизғин даврида рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган ялпи молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатишни ривожлантиришни кўзда тутади. Шунингдек, АҚШ ўзининг ваколатли идоралари орқали Ўзбекистоннинг манфаатдор идоралари билан биргаликда Эксимбанкнинг амалдаги дастурларини қайта кўриб чиқади. Демак, бу жараёнда Ўзбекистоннинг манфаати эътиборга олинади. Узоқ муддатга мўлжалланган ишончли ва дўстона ҳамкорликнинг қонунияти шундай.

Айниқса, АҚШ Эксимбанкининг Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга молик. Бу ҳамкорлик кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Бошқа бир лойиҳада эса АҚШнинг Савдо ва тараққиёт агентлиги ҳамда Ўзбекистоннинг Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги орқали қатор устувор инвестиция режаларини амалга ошириш учун техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва кейинчалик ресурсларни сафарбар этишга қаратилган грантлар ажратилишига эришиш назарда тутилган. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни техник жиҳозлашга молиявий ёрдам бериш орқали Ўзбекистонда Миллий таълим дастурини амалга оширишга кўмаклашиш йўли билан инсон ресурсларини ривожлантиришга ҳисса қўшилади.

Бундай ҳамкорлик Ўзбекистон зиммасига бир қатор масъулиятли вазифалар юклайди. Бу, аввало, иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлашда намоён бўлади. Мамлакатимиз раҳбарияти бу борада қатъиятлик кўрсатаётганлиги ҳаммага маълум. Ҳозир халқаро молиявий институтлар билан самарали ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларидан фойдаланиш чора-тадбирлари кўриляпти. АҚШ билан ҳамкорлик масъулиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳукуматининг қатъиятлилиги макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо, божхона ва тарифларни тартибга солиш соҳаларидаги сиёсатни яхшилаш, шунингдек, минтақавий ҳамкорлик жараёнини жадаллаштириш ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётини босқичма-босқич интеграция қилиш, хусусийлаштириш, хусусий сармоя жалб қилиш, қонунчиликни кучайтириш, сармоядорларга қўшимча қулайликлар яратиш, Ўзбекистоннинг бой минерал-хомашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлашда уларнинг иштирокини кенгайтиришдан иборат чора-тадбирлар қабул қилиш орқали инвестиция муҳитининг жозибадорлигини таъминлашдек муҳим вазифаларни ҳам ўз ичига олади.

Мамлакатимизнинг Америка Қўшма Штатлари билан молиявий ва иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб, кенгайиб ва тобора мустаҳкамланиб борадиган жараён. Бу борадаги истиқбол режалари ҳам ўзаро келишиб олинди. Бунда асосий эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларида инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилади. Жумладан, энергияни тежовчи ва экологик тоза технологияларни жорий этиш асосида генераторларни замонавийлаштириш орқали энергетика соҳасини равнақ топтириш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва бошқа ўзаро манфаат келтирувчи бир қатор йўналишларга АҚШ Эксимбанкининг суғурталаши остида қўшимча кредитлар тақдим этиш билан боғлиқ масала кўриб чиқилади. Келгусида Хорижий хусусий инвестициялар бўйича корпорация (ОПИК)нинг йирик давлат корхоналарини хусусийлаштириш, кичик ва ўрта хусусий тадбиркорлик, халқаро туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги иштирокини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон товарларининг жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро сифат стандартлари ва экспорт маҳсулотини сертификатлашни жорий қилиш, маркетингнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш, энергияни тежаш ва ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш каби соҳалар келгуси музокаралар жараёнида томонларнинг диққат марказида бўлади.

Агар ҳамкор ишончли бўлса, томонлар ўзаро аҳдлашувларга қатъий амал қилсалар, муносабатларда изчиллик ва қатъийлик таъминланса, дастурлар пухта ва асосланган бўлса, алоқалар тобора дўстона тус олаверса, ҳеч шубҳа йўққи, натижалар самарали ва ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлаверади. Бу давлатлараро муносабатларда синовдан ўтган тўғри йўл. Назаримда, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ана шундай йўлга тушиб олди. Энг юқори даражада кутилаётган учрашувлар бу йўлни янада текис ва чароғон қилишига ишонамиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

***Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, мамлакатимиз ҳаётида рўй берган муҳим тарихий воқеалардан бири — 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган суверен давлатимиз Конституцияси бўлди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига асосланган Қомусимиз ўз мазмун-моҳиятига кўра, демократик жамият қуришимизда ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди.***

***Асосий Қонунимиз инсонни — Ўзбекистон фуқаросини жамият ва давлатнинг олий қадрияти, яъни асосий ҳамда муҳим бойлиги, деб эътироф этади. Конституциянинг 60 дан ортиқ моддаси шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланганини ҳам шундан.***

# Менинг қомусим

**Конституцияни**



**Ўрганамиз**

Конституциянинг 19-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар», дейилган. Демак, ҳар бир фуқаро давлатнинг ҳуқуқий ҳимоясида бўлар экан, айни вақтда унга давлат олдидаги қатор бурчлар ҳам қонуний асосларда юклатилгандир.

Чунончи, 52-моддада Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги айтилган. Бу — Ўзбекистон тупроғида яшаб турган ҳар бир фуқаро ўз она-юртини ҳар қандай ёт кучлардан ҳимоя қилиш, унинг шавкатли Қуролли Кучлари сафларида ҳарбий хизматни виждонан ва ҳалол ўташи шарт, деган маънони ифодалайди.

Ўзбекистон халқининг насл-насаби ва миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкинлиги 8-моддада кўрсатиб ўтилган. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши, яъни умумий овозга (референдумга) қўйилиши ҳам қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганлигидан далолат беради.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишга мувофиқ, барча таълим-тарбия муассасаларида Конституцияни ўрганиш курсларини ташкил этиш тегишли вазирликлар ва идоралар зиммасига юклатилганлиги эътиборга моликдир. Ушбу Фармойишдан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан барча ҳарбий қисм ва муассасалар шахсий таркиби ўртасида Конституцияни ўрганиш, ҳуқуқ-тартибот ишларини янада жонлантириш бўйича тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини ўрганиш ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ҳамда маданиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам республикамизнинг ҳар бир фуқароси Конституцияни ўрганиши ва «Бу — менинг Қомусим» деб ёндашиши лозим.

**Бахтиёр ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ходими, адлия капитани.**

**Олий Мажлис VIII сессияси олдидан**

# ШАҲАРСОЗЛИК

## янги кодекс унинг ҳам миллий, ҳам замонавий шаклларига ҳуқуқий асос яратади

**Маълумки, Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси кун тартибига киритилган бешта қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Ана шулар орасида «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси» лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга.**

**Ота-боболаримиз барча соҳада бўлганидек, шаҳарсозликда ҳам катта мерос қолдиришганини бугун ҳатто жаҳон тан олмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва бошқа тарихий обидаларни кўрганда ким ҳайратга тушмайди, дейсиз. Бу заргарона санъат ўз моҳият-эътибори билан бетакрор ва абадийдир. Ҳар бир иншоот қиёфасида халқимизга хос миллий анъаналар, ўзбекона руҳ, кошинкорлик санъати «манаман» дея кўзга ташланиб туради.**

**Хўш, биз — ҳозирги авлод ана шу анъаналарга муносиб иш тутаяпмизми? Очиғи, истиқлол йилларида қад ростлаган гўзал, замонавий кошоналарни кўрганда фахрланмай, қувонмай иложимиз йўқ. Шаҳарсозлик янги босқичга қадам қўйди. Унинг ҳуқуқий асослари сессияда муҳокама қилиниши мўлжалланаётган Шаҳарсозлик кодекси лойиҳасида ўз ифодасини топган.**

**Навоийлик мутахассислар ҳам буни якдиллик билан таъкидлашмоқда.**

**Олим ЮНУСОВ,**
**вилоят бош меъмори:**

*— Бугунги меъморчилигимиз шаклан миллий, мазмунан замонавий мезонларга мос бўлиши керак, деяпмиз. Тўғри гап. Мустақил юртимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалламоқда. Шундай экан, унинг меъморий қиёфаси ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Лойиҳада шаҳарсозликнинг ҳуқуқий асослари жамланган, у давр руҳига мос янги моддалар билан тўлдирилган.*

*Биз ушбу ҳужжатни мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар иштирокида обдон ўрганиб чиқдик. Баъзи мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, лойиҳанинг 4-модда 1-бандида «...маданий мерос объектларини сақлаш жамиятнинг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги манфаатлари ҳисобланади», деган сатрлар бор. Ушбу матндаги «сақлаш» сўзидан сўнг «атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» жумласи киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.*

**Абдурасул ШАРИПОВ,**
**республика Маданий ёдгорликларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси вилоят инспекцияси раҳбари:**

— Мамлакатимизда халқ меъморчилиги анъаналарини тиклаш, замонавий шаҳарсозликни ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаяпти. Янги кодексда ана шу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинган. Энг муҳими, унда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолияти борасидаги ваколатлари ҳамда мажбуриятлари аниқ ифодаланган. Шу ўринда бир таклифим бор: «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат экспертизаси бош бошқармасининг ваколатлари» деб номланган 26-модда «Давлат архитектура-қурилиш назорати ташкилоти экспертиза ва тендер савдоларини мувофиқлаштиради», деган банд билан тўлдирилса, кўнгилдаги иш бўларди. Чунки ҳозирги кунда бунга катта эҳтиёж бор.

**Муҳитдин ҲОТАМОВ,**
**вилоят давлат архитектура ва қурилиш назорати бошқармаси бошлиғи:**

*— Тан олиш керакки, якка тартибда уй-жой қураётган баъзи юртдошларимиз бош режага амал қилмайдилар, зарур даражада муҳандислик тайёргарлигини кўрмайдилар. Ўзбошимчалик билан барпо этилаётган иншоотлар ҳам оз эмас. Бу эса қишлоқлар, қўрғонлар ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасига путур етказмоқда.*

*Масалан, Навоий шаҳридаги «Умид» қўрғонида газ, электр, сув ва бошқа ер ости қувурлари ўтган ҳамда ёнғин хавфсизлиги назарда тутилиб қолдирилган йўл-йўлаклар иморат қуриш учун ўзлаштириб олинган. 1-2 метр жойни фойда билган кимсалар бу хатти-ҳаракати билан хавфсизлик қоидаларини, қолаверса, амалдаги қонун талабларини бузишаётганини наҳотки билишмаса?*

*Хатирчи туманидаги А. Ясавий номли кўча кенглиги 45 метр бўлиши режалаштирилган эди. Амалда бунга эришилмади. Чунки йўлнинг бир қисмини катта-кичик савдо нуқталари эгаллаган. Кармана шаҳрида ҳам аҳвол яхши эмас. Кўп қаватли уйлар атрофига ноқонуний қурилган молхона, чўчқахона, тандирхона, гараж каби қўшимча иморатлар шаҳарнинг меъморий қиёфасига путур етказмоқда. Тадбиркор қулай деб топган жой борки, дўкону чойхона каби маданий-маиший бинолар қурилиши учун бериб юборилаётир. Ўйлайманки, шаҳарсозлик кодекси ана шу каби тартибсизликларга чек қўйишда муҳим ҳуқуқий омил бўлиб хизмат қилади.*

**Фикрлар, таклифлар, мулоҳазалар... Уларни тинглар экансиз, янги кодекснинг ҳаётий моҳиятини яна бир карра ҳис этасиз. Зеро, унда шаҳарсозлик амалиётининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганки, бу шубҳасиз, миллий ва замонавий меъморчиликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.**

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Огоҳлик**



*— Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланаётгани эмин-эркинлигимиз шарофатидан, қолаверса, юртимиз осмони тинч, мусаффо эканида ҳам гап кўп, — дейди Қўқон шаҳридаги «Ғишти масжид» маҳалласи имоми Пиримқул Муҳаммадқул ўғли. — Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, тинчликни асраш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш — бу фақат бир кишининг иши эмас. Ҳар биримиз — ёшу қари биргаликда ўз уйимиз, юртимиз, Ватанимизни турли бало-қазолардан асрашимиз керак.*

*Кексаларнинг бундай панд-насиҳатлари ёшларни дорилзамон кунларга шукронада бўлишга, миллатга, Ватанга садоқат билан хизмат қилишга ундайди.*

**СУРАТДА: Пиримқул Муҳаммадқул ўғли Қўқон давлат педагогика институти талабалари даврасида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 12 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 361,37 | 1 Норвегия кронаси | 78,80 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 986,52 | 1 Польша злотийси | 167,09 |
| 1 Дания кронаси | 81,69 | 1 Сингапур доллари | 380,73 |
| 1 БАА дирҳами | 188,96 | 1 СДР | 871,21 |
| 1 АҚШ доллари | 694,00 | 1000 Туркия лираси | 0,51 |
| 1 Миср фунти | 151,20 | 1 Швеция кронаси | 66,94 |
| 1 Исландия кронаси | 6,92 | 1 Швейцария франки | 412,09 |
| 1 Канада доллари | 437,50 | 1 ЕВРО | 606,90 |
| 1 Хитой юани | 83,85 | 10 Жанубий Корея вони | 5,32 |
| 1 Қувайт динори | 2259,34 | 10 Япония иенаси | 53,86 |
| 100 Ливан фунти | 45,85 | 1 Россия рубли | 22,39 |
| 1 Малайзия рингтити | 182,66 | 1 Украина гривнаси | 130,38 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

**Бозор инфратузилмаси**

***«Лизинг» инглизча сўз бўлиб, ўзбекча «ижара» деган маънони англатади. Масалан, лизинг компаниялари учинчи шахс учун муайян товарга эгалик ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда, уни қисқа ёки узоқ муддатларга ижарага беради. Ишлаб чиқариш воситалари, ускуналар, транспорт, алоқа жиҳозлари, омборлар ҳамда бошқа мулклар шулар сирасига киради.***

# «Барака»: ЛИЗИНГГА — ТЕХНОЛОГИЯ

Маълумки, бугунги кунда мулк соҳибларининг аксарияти ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги ускуналар харид қилиш учун кўпроқ банк кредитларига мурожаат қилаётир. Бироқ банкдан кредит олиш, хориждан янги технология келтириш, ўрнатиш, ишга тушириш ва уни бошқарувчи мутахассис кадрлар ўқувини ташкил этиш тадбиркор ўйлаганчалик осон иш эмас.

«Барака» универсал лизинг компанияси шуни ҳисобга олиб, кичик ва ўрта бизнес вакилларига ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг энг илғор усули — лизингни тавсия этмоқда.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, компания лизингга мурожаат қилган шахсдан тўловларни дарҳол амалга оширишни талаб этмайди. Шунинг ўзи, аввало, субъектга уни молиявий тангликка учратмаган ҳолда ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, юқори сифатли техника ва технологияларни харид қилиш имконини беради. Иккинчидан, лизингга мол-мулк олиш кредитга нисбатан енгилроқ бўлиб, ўша ускуна гаров воситаси сифатида ҳам хизмат қилади.

«Барака» 1998 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Банклар уюшмасининг шўъба корхонаси сифатида ташкил этилганди. Эндиликда у 29 та ассоциациясини бирлаштирувчи нуфузли ташкилот — Европа лизинг ассоциацияси таркибига киради, Марказий Осиё минтақасида эса ягона лизинг компанияси ҳисобланади.

Ўтган вақт мобайнида компания мутахассислари томонидан лизинг асосида молиялаш учун тақдим этилган 200 дан ортиқ лойиҳа кўриб чиқилди. Шулардан умумий қиймати 480 миллион сўмлик ва 2,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 63 та лойиҳа молиявий маблағлар билан таъминланди. Айниқса, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қаймоғи олинмаган сутни қайта ишлаш бўйича мини-заводларни ташкиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида ибратли ишлар қилинди. Вилоятлардаги бир қатор лизинг олувчи тадбиркорларга яқиндан ёрдам кўрсатилди. Хусусан, сутни Исроил технологияси асосида қайта ишлашга ихтисослашган 15 та мини-завод барпо этиш бўйича яратилган лойиҳалаш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан тузилган кредит шартномасига мувофиқ, Исроилнинг «Леуми» банки мажбуриятлари учун, яъни ўтган йилнинг биринчи ярмида асосий қарз ва кредит бўйича фоизларни тўлаш учун маблағлар ўз вақтида, тўла ҳажмда конвертация қилинди. Лизингга кичик сут заводлари харид қилганларни қадоқлаш материаллари билан таъминлаш юзасидан «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси вакиллари билан бир битимга келинди. Компания мутахассислари, бундан ташқари, мини-заводлар ўрнатилган ҳудудларда мунтазам равишда сафарда бўлиб, ускуналардан фойдаланиш жараёнида туғилган муаммоларни бартараф этишда яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Шунингдек, ўтган йили «Ориен уни Трейдинг» қўшма корхонаси, «Шунқор», «Нитекс», «Ҳусн» сингари ўнта хусусий корхонага лизингга компьютер, нусха кўчириш ускуналари, музқаймоқ тайёрлаш, фрезерлик қурилмаси, тўқув дастгоҳи, автомобилларни лизинг усулида харид қилишга яқиндан ёрдам берилиб, умумий нархи юз миллион сўмгача бўлган 10 та лизинг лойиҳаси молиялаштирилди.

Албатта, компания мутахассислари шу билангина чекланиб қолишгани йўқ. Республика бозорларини мунтазам равишда ўрганиб, аҳолининг қандай маҳсулотларга талаби юқорилигини таҳлил қилиб боришаяпти. Шундан келиб чиқиб, муайян ҳудудларга ўша турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологиялар киритиш юзасидан жойлардаги ҳокимликларга ўз тавсияларини киритишмоқда. Шундай таҳлилий ишлар жараёнида гўшт, мева ва сабзавотни қайта ишлаш ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга талаб юқорилиги маълум бўлди. Пировардида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига янги технологиялар ўрнатиши мумкин бўлган ташкилотларнинг молиявий имкониятлари тўғрисида батафсил маълумот бериш тўғрисида сўровнома жўнатилди. Олинган таклифлар асосида ўров-қадоқлаш ускуналари, ўрик, шафтоли, олча, сабзи сингари маҳсулотлардан концентрантлар олиш, табиий шарбатлар тайёрлаш учун асқотадиган технологияларни харид қилиш юзасидан компания раҳбарияти АҚШнинг «The National Druig Machinerv » ва Исроилнинг «Марв» компаниялари билан келишув ишларини олиб борди. Зарур техник ҳужжатлар тайёрланиб, хорижга жўнатилди.

Айни чоғда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп, Гурлан, Янгибозор, Фарғонанинг Бағдод ва Сурхондарёнинг Олтинсой туманлари ҳокимликлари тадбиркорлар учун лизингга технология сотиб олиш бўйича юборган илтимосномалари компанияда кўриб чиқилмоқда. Талаб ва таклифларга мувофиқ, Украина Саноат сиёсати вазирлиги вакиллари билан ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш учун мўлжалланган «Артемида» микротўлқинли камераларни лизинг шарти билан харид қилиш юзасидан келишув олиб борилди. Шунингдек, компанияга лойиҳаларни амалга ошириш, адвокатлик, аудиторлик ва консалтинг компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича грант ажратиш юзасидан Европа фонди, Ўзбекистон Очиқ жамияти институти вакиллари билан музокаралар уюштирилди.

Қисқаси, бугунги кунда «Барака» иқтисодиётнинг барча тармоқларига дадил кириб бормоқда. Компьютерлар сингари — замонавий техника соҳасининг 35, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғининг 40 фоизига, кўчмас мулк ва ускуналар бўйича 13, саноат асбоб-ускуналарига 8 фоиз лизинг хизмати кўрсатилди. Бинобарин, келгусида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда лизинг энг оммалашган хизмат турларидан бирига айланиши шубҳасиз.

## «Нурмарк»нинг музқаймоқлари

Пойтахтдаги «Нурмарк» хусусий жамоа корхонаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ўтган йили музқаймоқ технологияси харид қилиш учун «Барака»га мурожаат қилганди. Компания мутахассислари аҳолининг бу маҳсулотга бўлган талабини атрофлича ўрганишгач, мижозларга кўпроқ оддий стаканли музқаймоқлар ёқиши аёнлашди. Компания маъмурияти «Нурмарк» хусусий корхонаси раҳбариятига фақат ана шундай турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақбуллиги тўғрисида маслаҳат берди.

Икки томонлама келишувга эришилгач, умумий нархи бир миллион сўмлик музқаймоқ дастгоҳи бўйича тайёрланган лойиҳа молиялаштирилди. Ушбу ускуналар мижозга 22 фоизли йиллик устама билан беш йил муддатга берилди. Лизинг олувчи дастлабки бир йил мобайнида қарзни тўлашдан озод қилинди.

Ҳозир корхонада 12 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Кунига 300-400 килограмм хушбўй ҳидли, шоколадли ва сутли музқаймоқлар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Ёзда бу кўрсаткич янада ортади.

— Ўтган йили салкам 32 минг тонна музқаймоқ тайёрладик, — дейди корхона раҳбари Собирхон Асомов. — Келгусида бу кўрсаткични янада оширамиз. Лизинг учун тўланиши лозим бўлган кредитлардан ўз вақтида қутуламиз.

## КРЕДИТ МУДДАТИДА ҚАЙТАРИЛДИ

Бундан уч йил аввал Жиззахдаги «Мир Улуғбек» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбарияти калиш ишлаб чиқариш дастгоҳини лизинг ҳисобига сотиб олиш юзасидан мурожаат қилганди. Компания мутахассислари шу муносабат билан Жиззахда маркетинг тадқиқотлари ўтказди. Натижада бундай маҳсулотга, айниқса, қишлоқ шароитида талаб юқорилиги маълум бўлди. Негаки, Ангрен ва Россиядан келтирилаётган калишларнинг сифати бирмунча яхши бўлса-да, аммо нархи юқори эди. Тадбиркор Мирзажон Оқиловнинг бизнес-режасига кўра, маҳаллий хомашёдан калиш ишлаб чиқарилса, биринчи навбатда унинг таннархи анча арзонлашади, харидоргирлиги ортади.

Шуларни ҳисобга олган компания раҳбарияти умумий нархи 7 миллион сўмлик хориж дастгоҳини молиялаштирди. Самара кутилганидек бўлди. Айни пайтда корхонада бир неча хил калиш ишлаб чиқарилмоқда. Сифати жойида, кўриниши эса бежирим. Шу боис буюртмачилар сони кўпаяётир. Энг муҳими, лизингга олинган технология ўзини тўлиқ оқлади. Олинган кредитларни муддатидан аввал қоплашга имконият яратилди.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Таълим тизими: изланиш ва тажриба

# КАДРЛАР — келажагимиз таянчи

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқич вазифалари якунланди, яъни янги таълимнинг моддий-техник базасини яратиш билан боғлиқ вазифалар асосан бажарилди. Навбатдаги босқич — сифат ва самара босқичидир. Таълим тизимида тайёрланаётган ҳар бир мутахассис етуклик мезонларига жавоб бериши зарур.***

***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат ва матбаа соҳаси учун юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлайдиган таянч олий ўқув юрти ҳисобланади.***

Институтимиз республика олий ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб ўқитишнинг икки босқичли — бакалавр ва магистрларни тайёрлаш тизимига ўтган. Жаҳон андозаларига мос янги давлат стандартлари, ўқув ва иш режалари яратилди. Талабаларнинг билимини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди.

Сўнгги уч йил давомида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан 50 га яқин дарслик ва ўқув қўлланмалари, монографиялар нашр эттирилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. 30 та дарслик нашр этиш учун тайёрланди, уларнинг барчаси лазер дискларига кўчирилиб, кутубхонага топширилган. Турдош касб-ҳунар коллежларига ўқув-услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатаяпмиз.

Кадрлаш тайёрлаш миллий дастурининг вазифаларидан бири таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувидир. Институт профессор-ўқитувчилари, аспирантларининг пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарининг долзарб муаммолари ва давлат буюртмалари асосида илмий-тадқиқот ишларига жалб этилиши бу вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Масалан, институтимизда пахтани қабул қилишда ғарамлаш технологияси ва уни тўлиқ механизациялашнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Бу билан пахтанинг юқори сифатини сақлаб, унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигига эришиш, пахтани тозалаш ва толанинг табиий сифатларини сақлаган ҳолда энергия сарфини камайтиришнинг самарали технологияси вужудга келди.

Олимларимиз томонидан табиий ипак ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз технологияси ҳам яратилиб, янги турдаги ипак ҳамда ипак-пахтадан тайёрланган тўқималар олинди. Табиий ипакдан тайёрланган, тиббиётда ишлатиладиган ип яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Маълумки, республикамизда қоғоз ишлаб чиқариш ҳали яхши йўлга қўйилмаган. Мамнуният билан айтамизки, институтимиз олимлари томонидан табиий ипак чиқиндиларидан қоғознинг янги қимматбаҳо турлари яратилди. Қоғознинг бу турлари Германиянинг Берг университетида босиш-техник хусусиятлари ўрганилди ва Тошкент қоғоз фабрикасида ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Институтимизда тўқув машинасининг янги конструкцияси ҳам яратилди ва унга Америка Қўшма Штатларининг патентини олишга эришилди.

Шунингдек, олимларимиз электр ўтказувчи толалар олишнинг узлуксиз технологиясини яратдилар. Шу асосда, МДҲ давлатларида ҳозир электр ўтказувчи толаларни ишлаб чиқариш ва олиш тажриба саноат линияси жорий этилди.



Тўқимачилик соҳасида муҳим илмий ютуқлар қўлга киритилди. Масалан, хон атласни бўяшнинг янги технологияси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Нитрон ва пахта толаларидан янги кўйлакбоп, костюмбоп ва мебелбоп тўқималар яратилди.

Илмий-тадқиқот ишларини бажариш, информатика ва хорижий тилларни ўрганишга иқтидорли талабаларни жалб этишга алоҳида аҳамият берилаётир. Институтда «Иқтидорли талабалар академияси» фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг қошида талабалар конструкторлик бюроси, талабаларнинг модалар театри, талабалар ва аспирантларнинг тил ўрганиш клублари мавжуд. 4 нафар иқтидорли талабамиз Ўзбекистон Республикаси Прездиентининг, 8 нафари Беруний номидаги, 4 нафари Улуғбек номидаги давлат стипендиясининг, 100 дан ортиқ иқтидорли талабалар турли номдор стипендияларнинг совриндорлари бўлишди.

Мустақиллик йилларида институтимизнинг халқаро алоқалари мустаҳкамланди. Институт Халқаро тўқимачилик академиясига, Матбаачи олий ўқув юртларининг халқаро ассоциациясига, Халқаро ипак ассоциациясига аъзо бўлди. 70 дан зиёд профессор-ўқитувчиларимиз, 80 дан ортиқ талаба ва аспирантларимиз Германия, Англия, Бельгия, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Греция, Польша, Швейцария, Чехия, Ҳиндистон, Исроил мамлакатларининг ўқув марказларида малакаларини ошириб қайтдилар. Олимларимизнинг 40 дан ортиқ илмий ишлари хорижий мамлакатларда чоп эттирилди. Институтимиз профессор-ўқитувчилари турдош олий ўқув юртларининг халқаро илмий анжуманларида ўз маърузалари билан қатнашиб келмоқдалар.

1997-2000 йиллар давомида ҳаммаси бўлиб институтга 1 млн. АҚШ долларига яқин хорижий сармоялар келтирилди.

Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам гранти бўйича кўп йиллик машаққатли иш самарали якунланди. Лойиҳа Япония ҳукумати томонидан маъқулланганидан сўнг 2001 йил август ойидан 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги компьютер, аудио-видео синфлар, лаборатория ускуналари ва ўқув-технологик жиҳозларни олиб келиш бошланди. Мазкур лойиҳа бўйича тўқимачилик маҳсулотларининг сертификация лабораториясини барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

Институт моддий-техник базасини бойитиш йўлидаги ҳаракатларимиз янада кучаяди. Барча ўқув лаборатория ускуналари янгиланади. Бунинг учун васийлар ва ҳомийларимиз — «Ўзпахтасаноат», «Ўзбек ипаги», «Ўзбекчармпойафзали» уюшмаларининг ёрдамлари кенгайтирилади.

Ўқув жараёни ва илмий-тадқиқотларнинг ахборот технологиялари такомиллаштирилмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг 2005 йилгача бўлган режаси аниқланди. Ўқув дарсликларини замонавий компьютер технологияси бўйича компакт, лазер дискларига ёздириб, масофавий ўқитиш тизимига ўтилмоқда. «Интернет» тизими ривожлантирилиб, компьютерлаштиришнинг глобал тизимига ўтишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Юқори даражадаги илмий-техник салоҳиятга эга бўлган институтимиз жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи вазифаларини бажаришга киришган экан, республикамиз тўқимачилик ва енгил саноатининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, юқори малакали, юксак маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бакалаврлар ва магистрларни тайёрлайди.

**Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг биринчи ўринбосари.**

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

***Республика "Маънавият ва маърифат" маркази жорий йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урди.***

## МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ТАНЛОВИ

Ички ишлар вазирлиги, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Ёзувчилар уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган зиёли маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди.

"Нуроний" жамғармасида ана шу кўрик-танловни ўтказиш маслаҳат кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда танлов низоми тасдиқланди.

Йиғилишда мазкур танлов халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини эъзозлаш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни яхшилаш, ёшларнинг Конституциямизни ўрганишда, ҳуқуқий савиясини оширишда қарияларимизнинг ҳаётий тажрибаси ва билимидан кенг фойдаланиш мақсадида ўтказилаётгани таъкидланди.

Танлов мамлакатимиз Конституцияси куни арафасида якунланади.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҒУЛОМ АЛИЕВИЧ АЛИЕВ



Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати оғир жудоликка учради. Истеъфодаги генерал-лейтенант Ғулом Алиевич Алиев 68 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Ғулом Алиевич 1934 йилнинг 25 май куни Андижон шаҳрида, хизматчи оиласида туғилди. 1957 йилда Андижон давлат педагогика институтини тамомлаб, хавфсизлик органларида хизматни бошлаганига қадар, ҳокимиятнинг ижроия органларида турли жамоатчилик ва раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Хавфсизлик органларидаги ўз хизматини Ғулом Алиевич 1966 йилда тезкор вакиллик хизматидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Раиси даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Республика мустақиллигининг шаклланиш даврида энг масъулиятли лавозимларда ишлар экан, у ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қатъият, матонат ва изчиллик билан адо этиб келди, бутун куч-ғайратини, билимини ва ташкилотчилик салоҳиятини Миллий хавфсизлик хизматидаги тезкор хизмат фаолияти энг юксак талаблар даражасида ташкил этилишига бағишлади. Айни пайтда Ғулом Алиевич сезгир, оққўнгил ва камтар инсон эди, атрофидаги кишилардан у ҳеч қачон ўз ёрдамини аямасди.

Ғулом Алиевич Алиев Ўзбекистон халқлари олдидаги хизматлари учун бир неча марта давлат мукофотлари билан тақдирланган.

Ўзбек халқининг садоқатли фарзанди Ғулом Алиевич Алиевнинг ёрқин хотираси сафдошлари ва уни яхши билган барча кишилар қалбида ҳамиша яшаб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши.**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати.**

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 25 июлдаги 00124 - рақамли лицензияси асосида фаолият юритаётган*

**«OSIYO-AUDIT»**
*аудиторлик компанияси*

ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш ва хулоса бериш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш;
- йил давомида аудиторлик хизмати кўрсатиш;
- консалтинг ва молиявий фаолиятга доир бошқа хизматлар кўрсатиш.

*Республиканинг барча вилоятларида компаниянинг шўъба корхоналари мавжуд.*

5352/40

АЛОҚА УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТЕЛЕФОН: 136-11-60.

***Бухорода "Универсиада-2002" вилоят ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими С.Ҳусенов бошқарди.***

## ТАЙЁРГАРЛИК ЯКУНИЙ БОСҚИЧДА

Йиғилишда мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотлари, олий ўқув юртлари ётоқхоналари, ошхоналар, меҳмонхона ва бошқа объектларни таъмирлаш ишларининг аҳволи тўғрисида қурилиш ташкилотлари, ҳомийлар ва мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

"Универсиада-2002" тамғаси, кўкрак нишони эскиз лойиҳалари кўриб чиқилди ва улар республика ташкилий қўмитасига тақдим этиладиган бўлди.

Йиғилишда, шунингдек, "Универсиада-2002" иштирокчиларини меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

ТАШКИЛОТ ЧЎЯН РАДИАТОРЛАРНИ вагонлаб етказиб беради.

Тошкентдаги омбордан Россияда ишлаб чиқарилган қуйидаги САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТАДИ:

чўян ванналар 150 см. ва 170 см.;
умивальниклар тўплами;
унитазлар тўплами;
ошхона учун мойкалар;
ванна ва ошхона учун смесителлар;
линолеум (15 хил).



Тел.: 137-72-24, 137-72-23.

Шошилинг!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси қойилмақом ютуқ — БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!



UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

*Ўйин шартлари:*

- *2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль ўйинда иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.*



Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.
Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари
«Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

5424/435

